

“Менинг маҳаллам – менинг судьям”

Фарғона вилоят судининг раиси, Фарғона вилоят маъмурий судининг раиси ҳамда Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш бошқармаси бошлиғи томонидан Фарғона вилоят судлари судьялари томонидан “Менинг маҳаллам – менинг судьям” шиори остида жойларда хуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, суд тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни тушунтириш ҳамда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш юзасидан сайёр учрашувлар режаси тасдиқланган.





Мазкур режага мувофиқ Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг раиси У.Р.Хўжақулов ҳамда судьяси М.А.Мусахановалар томонидан куни кеча Ўзбекистон тумани Охта-тагоб, Кичик-тагоб, Яккатут ҳамда Оқтепа маҳаллаларида сайёр учрашувлар бўлиб ўтди.

Сайёр учрашувда суд-хуқук соҳасида янги қабул қилинаётган қонунларнинг (ЎРҚ-670, 671 сонли Қонунлар) мазмун моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ва жамоатчиликка тушунириш берилди.



Шу билан бирга ушбу маҳаллаларда “Аёллар дафтари”га киритилган, хуқуқий ёрдамга мухтож бўлган хотин-қизларга уларнинг мурожатлари бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

2021-03-15 21:30:05